

Нутқий мулоқотнинг юзага чиқиши ва унинг қоидалари

Шахноза Холиқова
АДУ мустақил тадқиқотчиси

Мулоқотнинг самарали кечиши маълум қоидалар, муомала тамойилларига амал қилиши билан боғлиқ. Дунё халқлари мулоқот одоби, муомала масъулиятига оид минглаб макол-маталлар яратганлар, бу борада беҳисоб асарлар битилган. Жумладан, шарқ миллий маданияти дурданалари бўлмиш «Қутадғу билиг», «Қобуснома», «Ҳибатул-ҳақойик» каби маданий ёдгорликлар, буюк мутафаккирлар Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий кабиларнинг асарлари бунга мисолдир. Кайковуснинг «Қобуснома»да келтирган қўйидаги пандларини эслайлик: «Гар сўзни ва ҳунарни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни синдиримағил, тўғри таъриф қилгил ва уни бир рангда айтгил: хосга хос суз, омийга омий сўз дегил, токи у ҳикматга мувофиқ бўлсин ва эшитгон кишига оғир келмасин, йўқса сўзингни далил ва ҳужжат била ҳам эшитмағайлар. Ундин сўнг уларнинг ризосига қараб сўзлағил, то саломат бўлғайсан.»¹ Энг асосийси, бу анъаналар ҳозиргача давом этмоқда ва мулоқот одоби, сўзлашиб маданияти ўзбек олимларининг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Э. Бегматов («Нотиқнинг нодир бойлиги», 1980); Б. Ўринбоев, А.Солиев («Нотиқнинг маҳорати», 1984); С. Мўминов («Сўзлашув одоби», 1997); Ш.М.Искандарова («Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари», 1993) ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Бугун замон талабига мос равишда тилнинг коммуникатив-функционал тамойилига асосан, нутқий фаолиятга эътибор тобора ортиб бормоқда. Биламизки, ҳар қандай мулоқотда сўзловчи ва тингловчи зарурий компонентлар сифатида албатта иштирок этади. Бу ҳақида яратилган кўпгина адабиётларда сўзловчи, яъни хабар берувчи, гапиравчи адресант, коммуникатор деб, адресантнинг нутқи қаратилган шахс – тингловчи адресат, коммуникант деб, мулоқотда бавосита иштирок этувчи омиллар эса таъсир бирликлари деб юритилади. Таъсир бирликлари шартли равища қўйидаги 2 гурухга бўлиб таҳлил этилади:

I.Ички таъсир бирликлари. Бунга адресант ёки адресат шахси билан бевосита боялиқ қўйидаги белги хусусиятлар киради:

- 1.Миллати.
- 2.Жинси.
- 3.Ёши.
- 4.Ижтимоий белгилари.
- 5.Таъсир бирликларига яқинлик даражаси.

II.Ташқи таъсир бирликлари. Бунга мулоқотга бавосита таъсир этувчи қўйидаги ташқи омиллар киради:

- 1.Мулоқот вақти.
- 2.Вазият, ҳолат.
- 3.Ижтимоий муҳит.²

¹ Кайковус. Қобуснома.–Т.:Истиқлол, 1994, 173-б.

² Мўминов Сиддиқсон Мирсобирович. Узбек мулоқот хулқининг ижтимоий- лисоний хусусиятлари. Автореферат. –Т., 2000, 9-б.

Демак, нутқ фаолияти ҳар икки томоннинг фаол ҳаракатидан келиб чиқар экан, мулоқотнинг мукаммал бўлиши учун барча масъулиятни адресантнинг, яъни сўзловчининг зиммасида дейиш нотўғри. Тинглашни билиш ҳам мулоқот актларининг энг қийин аспектларидан биридир. Ҳар икки томон имкон қадар ҳаракат килмас экан, улар ўртасидаги шахслараро мулоқот амалда беҳуда уриниш бўлиб қолаверади. Айниқса, умумтаълим мактабларида фанга лаёқатсиз ўқувчиларнинг эътиборсиз тинглаши натижасида ана шу фаннинг меъёрида ўзлаштирилмаслигига, топшириқларнинг вақтида бажарилмаслигига ва бунинг оқибатида пассив ўқувчи сифатида бўлишига олиб келади.

Алишер Навоийнинг муҳлиси ва дўсти Хусайн Воиз Кошифийнинг шогирд тушишнинг шартшароитлари ҳақидаги фикрини олайлик: «Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига қурилади, деб жавоб бергин. Агар иродат нимадир деб сўрасалар, самоъ ва тоатдир деб айтгин. Агар самоъ (эшитиш) ва тоат нимадир деб сўрасалар, нимаики устоз айтса, уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишдир, деб айт. Агар шогирд учун нима яхши, деб сўрасалар, пок эътиқод деб айт, чунки фақат эътиқод кишини муродига етказади. »³

Шундай экан, ўқувчи берилган вазифаларни мустақил равишда тушуниб бехато бажариши учун у мана шу мавзуга дикқати, хаёли, бор эътибори билан қизиқиши зарур. Агар бола қизиқса, у ўқишга интилади. Ва бундай топшириқлар унга қийинчилик туғдирмайди. Бунинг учун дарсда турли ўйинлар ўтказиши мумкин. Масалан, «мусиқали дақиқа». Куй- қўшиқларни севмайдиган, унга маҳлиё бўлмайдиган инсон топилмаса керак. Айтайлик, Морфология ўқитишида ўқитувчи «Сўз туркумлари» мавзусини ўтиб бўлгач, ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш, мавзунинг бола онгида маҳкам ўрнашиб қолиши учун «мусиқали дақиқа»дан фойдаланиши мақсадга мувофиқ булади. Олдиндан бир ўқувчига мумтоз оҳангга эга бўлган, ватанпарварлик рухига йўгрилган бирор қўшиқ тайёрлаб келиши юклатилади. Сўнг ўқувчилар З гурухга булиниб, мавзудан келиб чиқсан холда ўзларига Отлар, Феъллар, Ёрдамчилар деб ном қўйишади. Ҳар бир гурухга тинглаш жараёнида қўшиқ матнидан ўзларига тегишли жумлаларни топиш ва қайд этиш буюрилади. Энг кўп ва тўтри белгилаган ўқувчи ўқитувчи томонидан рагбатлантирилади. Шу тарика уларда кайфият ҳосил бўлади, тинглаб тез синтез қилиш шаклланади ва уларнинг дарсга бўлган қизиқиши, тинглаш лаёқати жонлантирилади.

Шу тўгрида п.ф.д. Шоҳидахон Юсупова шундай дейди: «... ўқитишининг асосий вазифаси ёшларда иқтидор ва қобилиятни янада ўстириш, уларда илмий изланиш қўникмаларини шакллантириш, қадимий, маданий меросимизни ўрганиш, умуминсоний қадрияларни эгаллаш ва чукур билим олиш иштиёқини ривожлантиришдан иборатдир... Мусиқа улуғ неъмат бўлиб, у инсон қалбига маънавият улашиши, уларни эзгулишка чорлаш воситаси деб эътироф этилган. Ўқувчи ёшларни ўзбек халк қўшиқларининг мусиқий поэтик хусусиятлари билан таништиришда куй, шеърий матнни ўқишида ҳосил бўладиган ҳиссий кайфият ва руҳий кечинмаларини ифода этиш айни пайтда поэтик матнда тасвирланган образларни англашга эътибор қаратиши лозим.»⁴

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янгилangan педагогик тафаккур тамойилларининг таълимга тадбиқ этилиши натижасида таълим мақсадлари ҳам тубдан ўзгарди: билим бериш, зарур қўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириб бориш билан бирга, ўқувчиларда бадиий сўздан завқланиш хусусиятини тарбиялаш, уларнинг эстетик дидини ўстириш, мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш, коммуникатив саводхонлигига эришиш, китобхонлик даражасини мунтазам юксалтириб бориш, куй-қўшиқларнинг матнига беэътибор бўлмасликни ўргатиш, сўз сеҳрини хис қилишга эришиш шулар жумласидандир. Зоро, бу бугунги давр учун заруриятдир.

³ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Тўплам: комил инсон ҳақида тўрт рисола (Н.Комилов таржимаси).—Т.: Маънавият, 1997, 198-б.

⁴ Юсупова Шоҳидахон. Она тил ўқитиши мазмуни. Услубий қўлланма.—Т., 2007, 47-б.